

**Абулхайров Рустамхон Ибодуллаевич,**

Тошкент Давлат юридик университети

“Криминалистика ва суд экспертизаси”

кафедраси ўқитувчиси

## **ПОРТЛАШ БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛГАН ҲОДИСА ЖОЙИНИ КЎЗДАН КЕЧИРИШ**

### **АННОТАЦИЯ:**

Ушбу илмий мақолада портлашдан кейин ҳодиса жойини кўздан кечиришнинг ўзига хос ҳусусиятлари, терговчи эътибор қаратадиган ҳолатлар, ҳаракатларни бошқариш, далилларни олиш ва қайд этиш тартиби, кўздан кечириш давомида процессуал тартиб ва қоидаларга риоя этиш юзасидан асослантирилган фикрлар билдирилган.

Шунингдек, портлашдан кейин ҳодиса жойини кўздан кечиришда амалга ошириладиган асосий ҳаракатлар, портлаш жойига мутахассисларининг иштироки, воқеа жойини кўздан кечиришнинг техник жиҳатдан таъминоти, далилларни кўздан кечиришда техник воситалардан фойдаланиш, воқеа жойидаги ҳалок бўлган шахсларнинг сақланиб қолган қолдиқларини ўрганиш тартиби, кўздан кечириш жараёни босқичлари, терговчининг умумий раҳбарлиги, хавфсизлик, кўздан кечириш жараёнида заарланишни олдини олиш чоралари баён этилган.

**Калит сўзлар:** Кўздан кечириш, кўздан кечириш босқичи, хавфсизлик, ихтисослашган мутахассис, баённома, далилий ашё, портлаш жойи, жиноят жойи, портлаш ҳудуди, экспертиза, портлаш ҳодисаси, тергов гурухи, эксперт-криминалист, техник таъминот, суд фотографияси.

**Абулхайров Рустамхон Ибодуллаевич,**

Преподователь кафедры “Криминалистика

и судебная экспертиза” Ташкентского

Государственного юридического университета

## **ОСМОТР МЕСТА ПРОИСШЕСТВИЯ, СВЯЗАННОГО СО ВЗРЫВОМ**

### **АННОТАЦИЯ:**

В данной научной статье рассмотрены особенности осмотра места происшествия после взрыва, обстоятельства, на которые должен обратить внимание следователь, руководство действиями, порядок получения и фиксации доказательств, соблюдение процессуальных норм и правил при их проведении.

А также основные действия, производимые при осмотре места происшествия после взрыва, участие специалистов на месте взрыва, техническое обеспечение осмотра места происшествия, применение технических средств при исследовании доказательств, порядок для изучения сохранившихся останков погибших на месте происшествия описаны этапы процесса осмотра, общие указания следователя, меры безопасности, меры по предотвращению повреждений в процессе осмотра.

**Ключевые слова:** Осмотр, стадия осмотра, безопасность, специалист, протокол, вещественные доказательства, место взрыва, место преступления, место взрыва, экспертиза, происшествие со взрывом, следственная группа, эксперт-криминалист, техническое обеспечение, судебное фотография.

**Abulkhairov Rustamkhon Ibodullaevich,**  
Lecturer at the Department of Criminalistics and Forensic Science  
of Tashkent State University of Law  
E-mail: [r.abulxayrov@tsul.uz](mailto:r.abulxayrov@tsul.uz)

## INSPECTION OF THE SCENE OF AN EXPLOSION-RELATED INCIDENT.

### ANNOTATION:

This scientific article examines the features of the inspection of the scene after the explosion, the circumstances that the investigator should pay attention to, the management of actions, the procedure for obtaining and recording evidence, compliance with procedural norms and rules during their conduct.

As well as the main actions performed during the inspection of the scene after the explosion, the participation of specialists at the scene of the explosion, technical support for the inspection of the scene, the use of technical means in the examination of evidence, the procedure for examining the preserved remains of the deceased at the scene describes the stages of the

inspection process, general instructions of the investigator, security measures, measures to prevent damage during the inspection.

**Keywords:** Inspection, inspection stage, safety, specialist, protocol, physical evidence, explosion site, crime scene, explosion site, examination, explosion incident, investigation team, forensic expert, technical support, forensic photography.

## Кириш

Охирги йиллар давомида дунёда портлашлар ёки улар билан боғлиқ жиноятларнинг кўпайиб бориши кузатилмоқда. Ушбу жиноятлар янада мураккаблашиб, такомиллашиб бормоқда. Мамалакатимиз чегараларига яқин бўлган бир қатор давлатларда қуролли мажаролар давом этмоқда, портловчи моддалар ва жанговар ўқ-дори заҳиралари сақланадиган омборларнинг кўриқланиши ниҳоятда қийин аҳволдалиги жиноятчиларга қўл келмоқда ва улардан унумли фойдаланмоқдалар.

Хозирги даврда портловчи моддалар, портлатиш қурилмалари билан содир этилаётган жиноятларнинг олдини олиш ҳуқуқни ҳимоя қилиш идоралари олдида турган асосий муаммолардан бири ҳисобланмоқда. Портловчи моддалар ва портлатиш қурилмалари террорчиларнинг асосий жиноят қуролига айланиб қолган.

Ушбу жиноятларинг олдини олиш Республикашимиз ҳудудига ғаразли мақсадларда портловчи моддалар, портлатиш қурилмаларининг кириб келишига йўл қўймаслик хозирги давр талабидир.

Ушбу илмий мақолада портлаш билан боғлиқ ҳодиса жойини кўздан кечиришнинг ўзига хос хусусиятлари кўриб чиқилган.

Тегишли воқеа жойини кўздан кечиришда ваколатли ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва суд экспертизаси соҳасидаги мутахассислар билан ҳамкорлик қилиш муҳимдир.

## Таҳлил

Кўздан кечириш энг муҳим тергов ҳаракатларидан бўлса, портлаш билан боғлиқ бўлган ҳодиса жойини кўздан кечириш улар орасида энг мураккаб ва маъсулият талаф қиласидигани ҳисобланади.

Портлаш жойини кўздан кечириш пайтида терговчи портловчи моддаларни ёки портловчи воситаларни аниқлаши мумкин. Ушбу ҳолатларда терговчи қуидагиларга эътибор қаратиши лозим.

1. Хавфсизлик. Потенциал хавфли вазиятга аралашишдан олдин терговчи воқеа жойида бўлганларнинг хавфсизлигини таъминлаши керак. Агар қўшимча портлашлар ёки бошқа хавфлар хавфи мавжуд бўлса, тегишли чоралар қўриш керак.

2. Портлаш бўйича мутахассислар. Агар портловчи моддалар ёки портловчи курилмалар аниқланса, терговчи портлаш бўйича мутахассислар ёки пиротехника мутахассислари кўздан кечиришга жалб қилиши лозим. Улар хавфли нарсаларни бошқариш ва зарарсизлантириш учун маҳсус билим ва кўникмаларга эга.

3. Фото ва видео ҳужжатлар. Кўздан кечиришдан олдин терговчи аниқланган портловчи моддалар ёки портловчи курилмаларнинг фотосуратлари ёки видеога олиши керак. Бу мустақил ҳужжатларни яратиш ва ишлов бериш ёки олиб қўйишиндан олдин буюмларнинг ҳолати ва жойлашуви ҳақидаги маълумотларни сақлаш имконини беради.

4. Ёзувлар ва тавсифлар. Терговчи топилган портловчи моддалар ёки портловчи курилмаларнинг батафсил ёзувлари ва тавсифларини тузади. Бу уларнинг ташки кўринишини, ҳажмини, белгиларини ёки бошқа аниқловчи хусусиятларини қайд этади. Бу кейинги тергов ва судда далилларни тақдим этишга ёрдам беради.

5. Олиб қўйиш ва қадоқлаш. Терговчи аниқланган портловчи моддаларни ёки портловчи мосламаларни далил сифатида эътироф этишга қарор қилиши мумкин. Шу мақсадда хавфсиз йиғиш, қадоқлаш ва сақлаш учун маҳсус асбоблар ва контейнерлардан фойдаланилади. Бу далилларнинг яхлитлиги ва хавфсизлигини таъминлаш учун муҳимдир.

6. Экспертиза тайинлаш. Портловчи восита ва моддалар олинганидан кейин экспертиза ўтказиш муҳим аҳамиятга эга.

Воқеа жойига етиб келгандан сўнг вазиятдан хабардор бўлиш воқеа содир бўлган жойда барчанинг хавфсизлиги учун жуда муҳимдир. Портлаш ҳодисаси юз берган жойларда портловчи воситанинг тури ва миқдори, содир бўлган муҳит ёки худуддан (очик ва ёпиқ майдон, сувости ва бошқа) келиб чиқиб хилма-хил хатарларга тўлиб-тошган бўлади. Дастребаки чораларни кўрувчи инсонлар вазиятни тўлақонли англаб этишлари, ўзлари ва ўзгаларнинг хавфсизликларини таъминлашлари, шунингдек, доимий равишда портлаш содир бўлган жойдаги ўзгаришларни баҳолаб боришлари лозим [1].

Портлаш жойини кўздан кечириш муҳим тергов ҳаракати бўлиб, уни бевосита терговчи ёки ихтисослашган мутахассислар иштирокида амалга ошириши мумкин.

Ушбу ҳолатда терговчи томонидан портлаш жойини кўздан кечиришнинг умумий ҳолатларига қуидагилар киради.

1. Тайёрлаш ва режалаштириш. Терговчи портлаш ҳақидаги мавжуд маълумотларни, шу жумладан дастребаки ҳисботларни, гувоҳларнинг кўрсатмаларини ва бошқа далилларни

үрганади. Шунингдек, у терговга энг самарали ёндашувни аниқлаш учун ҳамкасблари ёки мутахассислари билан текшириш стратегиясини муҳокама қилиши мумкин.

2. Портлаш жойига келиш. Терговчи ва тергов харакатининг бошқа иштирокчилари, масалан, ички ишлар органлари ходимлари, мутахассислар ёки қриминалистлар портлаш жойига келишади. Улар хавфларни минималлаштириш ва далилларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун хавфсизлик тартиб-қоидалари ва кўрсатмаларига риоя қилишлари керак.

Хавфсизлик қоидаларини билмаслик ёки уларни назарга илмаслик тергов гуруҳи аъзолари ҳаётига жиддий хавф туғдириши билан бирга, аҳоли ўртасида ҳам қурбонларни келтириб чиқариши мумкин [2].

3. Кўздан кечириш ва қайд этиш. Терговчи портлаш излари, нарсалар, парчалар ва бошқа далилларга эътибор бериб, портловчи жойни диққат билан кўздан кечиради. У барча мухим тафсилотларни ёзиб олади ёки портлаш жойини кўздан кечириш баённомасини тўлдиради.

4. Фото ва видео ёзувлар. Терговчи портлаш жойининг ҳолатини ва топилган изларни ҳужжатлаштириш учун фотосуратлар ва видео ёзувларни олиши мумкин. Бу далилларни сақлашга ва кейинги таҳлил ва судда тақдим этиш учун мустақил визуал материал яратишга ёрдам беради.

5. Далиллар тўплаш. Портлаш жойини текшириш пайтида терговчи парчалар, портловчи моддаларнинг қолдиқлари, жиноят билан боғлиқ бўлиши мумкин бўлган нарсалар каби далилларни тўплаши мумкин. У далилларни тўплаш ва сақлаш учун маҳсус воситалар ва контейнерлардан фойдаланади.

6. Эксертиза. Портлаш жойини кўздан кечирилганидан сўнг, терговчи топилган далилларни кўздан кечириш ва таҳлил қилиш экспертга топшириши мумкин.

Портлашдан кейин кўздан кечиришда бирламчи объект сифатида, албатта, воқеа содир бўлган жой текширув марказида бўлади. Жойни кўздан кечириш ҳақида фикр юритишидан олдин бир қанча тушунчаларнинг фарқини билиб олиш лозим. Жумладан, “портлаш содир бўлган жиноят жойи”, “портлаш жойи”, “жиноят жойини кўздан кечириш”, “жиноят жойини тадқиқ қилиш” атамалари мантиқан бир хил маънони бериши мумкин, аммо улар ўйлаганимиздан ҳам кўра турли даражада фарқларга эга.

Портлаш содир бўлган жиноят жойи — портловчи қурилмалар портлаган ёки шундай воситалар қайта тикланган ёхуд қисмларга ажратилган моддий худуд;

Портлаш худуди — келиб чиқиши ёки ҳолатлари аниқлаштирилмаган портлаш юз берган моддий худуд. Бундай худудларга табиий газ, ҳаво-ёнилғи ва қаттиқ фазали портлаш эҳтимолини ўз ичига олувчи худудлар киради. Тергов ўтказишни талаб қиласиган ҳолатлар

портлашнинг айнан баҳтсиз ҳодиса ёки жиноят ҳаракат эканлигини аниқлаштиришга ёрдам берадиган маълумотлар бирлаштиради.

Жиноят жойини кўздан кечириш — бу воқеа жойида амалга ошириладиган умумий текширув бўлиб, масалани ечишга ёрдам берадиган, жиноят содир этишда айбор бўлган шахсларни қўлга олишга кўмаклашувчи, жиноят жойида қолдирилган далилларни топиш ва аниқлаш жараёнлариридир. Бу ҳаракатларга, шунингдек, жиноят жойида амалга ошириладиган бошқа ҳаракатлар: жиноят жойини ўрганиш, қурбонлар ва воқеа шоҳидлари билан сұхбатлар ўтказиш ҳам киради.

Жиноят жойини тадқиқ қилиш — жиноятни қайта тиклашга, жиноят жойи билан алоқаси бўлган субъект ёки субъектларни аниқлашга, бундан ташқари, уларнинг қўлга олиниши ва якунда айбор сифатида кўрилишига олиб келувчи эҳтимолий сабабларни ўрганишга қаратилган моддий далилларни йиғиши жараёнидир.

Эндиликда эътиборни 3-босқич бўлмиш далилларни йиғиши жараёнларига қаратамиз. NFPA 921 га мувофиқ, моддий далиллар — маълум бир фактни исботлаш ёки рад этишга мойил бўлган ҳар қандай жисмоний ёки моддий нарса [3].

Юқоридаги атамаларнинг изоҳларига қарайдиган бўлсақ, портлашдан кейин кўздан кечириш бошқа турдаги, масалан, ўғирлик, безорилик шу каби жиноятлар юз бергандан кўздан кечиришдан бирмунча фарқ қиласи, албатта. Бу бўйича кўплаб олимлар турли-туман фарқланишларни мисол қилиб кўрсатадилар. Масалан, А.Х.Валеев бу бўйича қуйидагиларни таъкидлайди:

1. Фавқулодда авария қутқарув ишларини амалга ошириш;
2. Бино конструкциясидаги вайронагарчилик туфайли қайта портлаш содир бўлиш эҳтимоли;
3. Жабрланувчилардаги портлаш кучи, оғир ҳолат, руҳий ёки оғриқ билан боғлиқ тушқунлик ҳолати туфайли улардан тезкор кўрсатма олиш қийинлиги;
4. Кўздан кечириш жуда кўп вақт талаб қилиши. Заарланиш катта худудни эгаллаши, муайян предметларнинг бўлиши, портлатиш воситаларининг қолдиқлари юзлаб ҳатто минглаб метрларга сочиб кетган бўлиши ҳам мумкин;
5. Ноқулай об-ҳаво шароитида воқеа жойини кўздан кечиришга тўғри келиб қолиши. Биноларнинг ички қисмларида электр узилиши содир бўлган бўлиши [4].

Портлашлар юз берган жойлар, шубҳасиз, жиноий ҳаракат содир этилган худудлар саналади. Умуман олганда, портлашдан кейинги кўздан кечириш ва унинг ташкил қилинишига тўхталишдан олдин воқеа содир этилган худуд сифатида айнан қандай жойлар назарда тутилиши ҳақида хорижий олимлар томонидан илгари сурилган фикр-мулоҳазаларга эътибор қаратсак. Зеро, жиноятни очиш учун зарур бўлган далиллар маркази

вазифасини ўтовчи “жиноят жойи” түғрисида зарур маълумотга эга бўлишда унга нисбатан анъанавий фикрлардан бирмунча фойдали ва замонавийроқ бўлган қарашларга мурожаат қилиш айни муддао бўлади, албатта.

Жиноят жойини тергов қилиш дунё бўйлаб турли хил юрисдикцияларда турлича амалга оширилади ва қўйидаги воқеа ва комбинацияларни тергов қилишни ўз ичига олади:

- баҳтсиз ҳодисалар содир бўлган жойлар;
- ўз жонига қасд қилинган жойлар;
- қасддан одам ўлдирилган жойлар;
- кутилмаганлар ўлимлар (ҳеч қандай шубҳаларсиз);
- бостириб кириш ҳаракатлари, масалан, уй, фабрика, дўкон, савдо марказлари ва ҳоказо;
- пул сақланадиган жойларга, масалан, сейфлар ва автоматик пул машиналари;
- турли хил мураккабликдаги портлашдан кейинги воқеа жойиларини кўздан кечириш;
- ёнғин содир бўлган жойларни тергов қилиш ва бошқалар.

Эндилиқда чет эл адабиётларида “жиноят содир бўлган жой” икки хил турга бўлинади: асосий жиноят жойи ва иккинчи даражали жиноят жойи. Асосий жиноят жойи — бирор худуд, жой ёки воқеа содир ер ёхуд асосан катта қисм ва юкори миқдордаги моддий далиллар топиладиган юза. Иккинчи даражали жиноят жойи дейилганда, воқеага алоқадор бўлган моддий далиллар топилган ҳудудлар, жойлардир. Одатда, эҳтимолий далиллар айнан асосий воқеа жойидан олиб кетилган бўлади [5].

Баҳтиз ҳодисалар содир бўлган жойда ишлашда хавфсизлик ҳар доим биринчи ўринда туриши керак. Мумкин бўлган хавфлардан хавфсиз масофада эканлигига ишонч ҳосил қилиш ва ўт ўчирувчилар, полиция ҳодимлари ёки қутқарувчилар каби мутахассисларнинг кўрсатмаларига амал қилиш лозим.

Баҳтсиз ҳодиса жойини ўрганишга қўйидаги тавсияларга риоя этиш лозим.

1. **Хавфсизлик.** Шикастланган ёки бекарор тузилмалар, вайрон бўлган симлар ёки газ чиқиши мумкин бўлган хавфлардан хавфсиз масофада эканлигини текшириш керак. Агар хавфли моддалар мавжудлигига шубҳа бўлса, эвакуация кўрсатмаларига риоя қилиш ва тегишли хизматларга мурожаат қилиш лозим.

2. **Кириш.** Воқеа жойига киришга рухсат борлигига ишонч ҳосил қилиш, агар бу фаол тергов бўлса, унда ички ишлар ёки бошқа масъул хизматлар билан келишиш керак бўлади.

3. **Расмлар ва видеолар.** Воқеа жойини фотосуратлар ва видеолар билан суратга олиш, бу кейинги тергов ҳаракатларида фойдали бўлиши мумкин. Бузилган нарсаларни,

портлаш нүктасини ва бошқа сезиларли тафсилотларни батафсил суратга олишга ҳаракат қилиш керак.

4. Изоҳлар. Агар мавжуд бўлса, гувоҳларнинг исмларини, алоқа маълумотларини, кўрган ёки эшитганларни ёзид олиш лозим, бу тергов учун фойдали маълумот бўлиши мумкин.

5. Портлаш жойи. Портлаш нүктасини аниқлаш ва портлаш изларига, яъни парчалар, шикастланган тузилмалар жойлари ва бошқалар эътибор бериш керак.

6. Зарап. Кўрган барча заарларни ёзид олиш ва тавсифлаш керак, бунга вайрон қилинган бинолар, шикастланган транспорт воситаларини ҳам киритиш мумкин.

Портловчи моддалар ёки портловчи қурилмалар ишлатилганлиги ҳақидаги муҳим далиллар, фақат асосий бирламчи тергов ҳаракатлари бўлган, воқеа жойини диққат билан ва батафсил кўздан кечириш натижасида олиниши зарур. Бу ҳақда портлаш фактлари бўйича кўзғатилган жиноят ишларининг кўздан кечириш амалиёти ҳам гувоҳлик беради. Портловчи моддалар ва портловчи қурилмалар ишлатилиши билан боғлиқ бўлган ишлар бўйича воқеа жойини кўздан кечиришнинг асосий вазифаларидан бири, далилий ашёлар (портлаш маҳсулотлари, портловчи моддаларнинг детонацияланмаган қолдиқлари, портловчи қурилма идишларининг парчалари, детонаторлар, олов ўтказгич симлар ва ҳоказоларнинг парчаларини) аниқлаш, кўздан кечириш, қайд этиш ва олишдан иборат. Портловчи моддаламинг ўзига хос хусусиятларини, шунингдек, криминалистика, портловчи моддалар назарияси, жанговар ўқ-дорилар, физика, кимё соҳаларидағи маҳсус билимлар кўлланилиши зарурлигини ҳисобга олиб, воқеа жойларини кўздан кечиришда, портлаш ва ёнғин излари мавжуд далилий ашёларни аниқлаш, қайд этиш ва топиб олишда мазкур соҳа мутахассисларини таклиф этиш мақсаддага мувофиқ бўлади.

Бу каби воқеа жойларини кўздан кечиришда, мутахассис сифатида, одатда экспертиза криминалистика хизмати ёки илмий экспертиза портлаш техникаси марказий лабораторияси ходимлари иштирок этадилар.

Портлаш ҳодисаси ҳақида хабар олинган заҳоти эксперт криминалист ёки илмий экспертиза портлаш техникаси марказий лабораторияси ходими ҳодиса жойига чиқишига ҳозирлик кўради.

Унда барча кўздан кечиришда фойдаланиладиган криминалистик техник асбоб ва анжомлар тайёр бўлиши керак. Криминалистик техник асбоб-анжомлар, яъни криминалистик чемодан тўлиқ жиҳозлари билан, метал қидиргич, маҳсус шуруплар, ёндириш воситалари (фонарлар), маҳсус хавфсизликни таъминловчи кийимлар ва бошқа ёрдамчи воситалардан иборат.

Одатда портлаш жойига турли хизматлар ва ташкилотларнинг бир нечта мутахассислари боришади. Мана улардан баъзилари:

1. Ўт ўчирувчилар. Ёнғин бригадалари портлаш жойига биринчилардан бўлиб етиб келишди. Улар, агар мавжуд бўлса, оловни ўчириш билан шуғулланадилар ва воқеа жойида хавфсизликни таъминлайдилар.

2. Ички ишлар органи ходимлари. Ушбу орган ходимлари воқеа жойида хавфсизликни кузатадилар ва таъминлайдилар. Шунингдек, улар дастлабки тергов ўтказишлари ва далилларни тўплашлари мумкин.

3. Кутқарувчилар. Фавқулодда вазиятлар вазирлиги каби қутқарув хизматлари курбонларга ёрдам бериш ва одамларни блокировка қилиш ёки йўқотиш учун қутқариш учун портлаш жойига бориши мумкин.

4. Тиббий хизматлар. Тез ёрдам машиналари ва тиббий гурухлар портлаш жойига бориб, жабрланганларга биринчи ёрдам кўрсатишлари ва кейинги даволаниш учун тиббий муассасаларга етказишлари мумкин.

5. Портлаш бўйича мутахассислар. Баъзи ҳолларда портлаш содир бўлган жойга портлаш бўйича мутахассислар чақирилади. Улар портлаш сабаблари ва табиатини аниқлайдилар, далилларни тўплайдилар ва воқеа ҳолатларини аниқлаш учун экспертиза ўтказадилар.

6. Суд эксперtlари. Қасдан қилинган харакат ёки жиноятда гумон қилинган тақдирда, воқеа жойига суд эксперtlари чақирилиши мумкин. Улар далилларни тўплайди ва таҳлил қиласиди, бармоқ изларини олади, воқеа жойини фото ва видео ёзиб олади, воқеани текшириш учун зарур бўлган бошқа тадқиқотлар ўтказади.

Ҳар бир муайян вазиятда табиатига қараб турли мутахассислар ва хизматлар ҳодиса жойида бўлиши мумкин.

Евropa Иттифоқида воқеа жойидаги ҳалок бўлган шахсларнинг сақланиб қолган қолдиқларини ўрганиш учун ҳам алоҳида процедура амалга оширилади. Бу процедура ниҳоятда фойдали бўлиб барча томонларни қамраб олади.

1. Тананинг жойлашувини аниқланиши (қолдиқларнинг ораси, ҳимояланган худудлар) ва қайд қилиниши лозим;
2. Жасаднинг ҳолати қайд қилиниши;
3. Тананинг турган позицияси бўйича қўл ва тиш изларининг олиниши ва суратга туширилиши;
4. Қолдиқларни сақлаш чораларини кўрилиши;
5. Тананинг жойлашуви ва кўздан кечириш стратегиясини ҳисобга олиб бино ёки очиқ майдонда биологик излар, кийимдан намуналар олиш ва танани муҳофаза қилиш;

6. Тиклаш, жойлаш ва хужжатлаштириш давомида шахсий ашёларни суратга туширилиши;

7. Агар тананинг холати юзтубан бўладиган бўлса, шу холатда тасвирга олиниши лозим. Жасаднинг ости эҳтиёткорлик билан текширилиши, қазиш ишларини олиб борилиши ва текширувдан ўтказилиши керак;

8. Суд антропологлари ёки суд патологлари билан маслаҳатлашган ҳолда сочилиб кетган тана қолдиқларини йифиш ва максимал даражада тана тузилишини тиклаш ишлари олиб борилиши лозим. Барча топилган тана қолдиқлари жойи қайд қилинади;

9. Суяк иссиқлик таъсирида таъсиранган ёки мўрта бўлиб қолган вазиятларда барқарорлаштирувчи кимёвий моддалар ёки ўраш материаллари (масалан, ёпиширувчи плёнка), агар улардан фойдаланиш кейинги парчаланиш ёки бузилишнинг олдини олса, фойдаланилиши мақсадга мувофиқдир. Кимёвий моддаларни эса жуда эҳтиёткорлик билан ишлатиш зарур, ҳар қандай кимёвий моддалар ёки ўраш материалларининг назорат намуналари ҳам тақдим этилиши керак.

10. Тана бўлаклари бошқа қолдиқларга ёпишган бўлиши мумкин, бундай ҳолларда уларни жиноят жойидан олишдан олдин синчковлик билан текшириш лозим.

11. Жиноят жойида тана қолдиқларини қўшимча заарланиш орқали хавф остида бўладиган ва қолдиқларни тиклашни тез амалга ошириш имкони бўлмаганда, ёнгин бўйича терговчи тегишли мутахассислар билан алоқа ўрнатиб қолдиқларни муҳофаза қилиш чораларини кўриши керак.

12. Инсон тана қолдиқлари тиклангандан сўнг иложи борича тезроқ совук сақлагичда сақлаш чораларини кўриш лозим [6].

Портловчи қурилмалар ишлатилиши билан боғлик жиноят содир этилган ҳолларда воқеа жойларини кўздан кечириш, ушбу тергов ҳаракати учун ишлаб чиқилган барча маҳсус тактик ва техник усулларга риоя қилган ҳолда ўтказилади. Жумладан, бу тергов ҳаракати дарҳол, лекин шошилмасдан, замонавий техник воситалардан фойдаланиб ўтказилиши керак ва ҳоказо. Шу билан бирга, бу каби ҳолларда кўздан кечириш, объектларининг характеристи, уларни аниқлашнинг хусусиятлари, қайд этиш усуллари ва бошқа факторлардан келиб чиқувчи ўзига хос хусусиятларга эга бўлади.

Портлаш содир бўлган ҳолларда катта ҳалокатли кучга эга бўлган ҳолларда, ерни шартли равища секторларга бўлиш ва уларни изчил текшириш мақсадга мувофиқдир [7].

Портлаш билан боғлиқ жиноят жойини кўздан кечириш қўшимча маълумот ва далилларни олиш учун техник воситалардан фойдаланишни ўз ичига олиши мумкин. Ушбу воситалардан баъзилари қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:

1. Оптик асбоблар. Катталаштирувчи кўзойнаклар, микроскоплар ва телескоплар жиноят жойида портлаш излари, шикастланишлар ва намуналарни батафсилоқ текшириш учун ишлатилиши мумкин. Улар микроскопик изларни, портловчи моддалар қолдиқларини ёки бошқа материалларни аниқлашга ёрдам беради.

2. Фото ва видео ускуналар. Фотосуратлар ва видео ёзувлар жиноят жойини хужжатлаштиришнинг муҳим воситасидир. Ихтисослашган камералар ва линзалар ёрдамида шикастланиш тафсилотларини, объектларнинг жойлашишини ва портлаш изларини ёзиб олишингиз мумкин.

3. Портатив детекторлар. Жиноят жойида портловчи моддалар изларини аниқлашга имкон берувчи портатив детекторлар мавжуд. Улар кимёвий таҳлил асосида ишлайди ва портлашда ишлатиладиган моддаларнинг қолдиқларини аниқлашга ёрдам беради.

4. Термал тасвирлар. Портлаш билан боғлиқ термал изларни аниқлаш ва ўрганиш учун термал тасвир камералари ёки термал сканерлардан фойдаланиш мумкин. Улар атроф-муҳитдаги ҳарорат ўзгаришини кўришга имкон беради, бу яширин олов ёки иссиқлик манбалари мавжудлигини кўрсатиши мумкин.

5. Изларни йиғиш ва сақлаш учун асбоблар. Портлаш изларини йиғиш ва қадоқлаш учун жиноят жойида турли хил асбоблар ва контейнерлардан фойдаланиш мумкин. Бу материалларни қадоқлаш учун идишлар, далилларни хавфсиз йиғиш учун бошқа воситалар бўлиши мумкин.

Шуни таъкидлаш керакки, муайян асбоблардан фойдаланиш ва танлаш муайян вазиятга ва тергов талабларига боғлиқ. Бу мутахассислар, яъни криминалист ёки портлаш бўйича мутахассисга тегишли масаладир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, портлашдан кейинги воқеа жойини кўздан кечиришда ҳам хорижий мамлакатларда жуда кўплаб техника воситаларидан фойдаланиб келишмоқда.

Улардан бири “Модель ЭЛ 100” русумли портловчи воситани аниқлаш мосламаси ҳисобланади. Оддий, ишончли, ўта юқори сезиш қувватига эга қурилманинг афзалликларидан бири унинг ниҳоятда кичкина эканлиги ва ҳатто чўнтакда ҳам олиб юришда қулайлиги саналади. Техник имкониятларига тўхталарадиган бўлсак, портловчиларнинг 50 фоизидан зиёд бўлган турларини аниқлай олади. Ушбу восита ўзини-ўзи тўлдиради ва фақатгина кичкина иситиш тизими ёки батарейкани зарядладиган иситкични талаб қиласди. Бу модель савдо, ҳарбий, қўлбола портловчиларни аниқлашда бутун дунё бўйича тан олинган. Ҳозирги кунда ҳарбий, полиция, хавфсизлик хизматлари томонидан қўлланилиб келинади. Ушбу модельнинг, шунингдек, “ЭЛ 200” ва “ЭЛ 300” турлари ҳам ишлаб чиқарилади [8].

Воқеа содир бўлган жойда ёки унинг атрофида портлаш изларини, портловчи қурилмаламинг айрим қисмлари ва қолдиқлари билан биргаликда, ишлатилмаган портловчи қурилмалар, портловчи моддалар, портлатиш воситаларини ҳам топиб олиш мумкин.

Воқеа жойидаги шароитларни ўрганиш жараёнида қуйидагилар вужудга келади: портлаш факти, унинг техник сабаблари, портлашнинг марказий нуқтаси, портлатилган қурилманинг яхлит ёки айрим қисмларининг тузилиши, унинг ишлаш принципини аниқлаш, портлатилган портловчи модданинг оғирлигини баҳолаш, портловчи модданинг портлаш вақтида шикастловчи хоссаларини аниқлаш, портлашнинг шикастловчи таъсири радиусини аниқлаш, портловчи қурилма тайёрлаган шахснинг жанговар портловчи ўқдорилар техникаси соҳасидаги билими, кимё ва портловчи моддалар технологияси бўйича билими, портлатиш ишлари соҳасида билимлари бор ёки йўқлиги ҳақида тахмин ва тусмоллар.

Шулар ўрганиб чиқилгандан кейин, шу текширилаётган жойдан далилий ашёларни қидириш, уларни кўздан кечириш, қайд этиш ва олиш ишлари амалга оширилади.

Портлаш содир бўлган жойни кўздан кечиришда жиноят процессуал конун нормаларида кўрсатилган тартиб қоидаларга риоя қилиш керак. Чунки портлатиш йўли билан содир килинган жиноятларнинг ҳодиса жойи кўздан кечирилганда, ўзига хос хусусиятлар мавжуддир. Энг аввало, кўздан кечириш худудининг чегарасини аниқлаб олиш ва воқеа жойини қўриқлашни ташкил этиш лозим. Портлатилган обьектлар, у ердаги мурдалар, яралангандар, воқеа содир бўлган жойнинг бошқа элементлари қисмларини аниқлаш, уларнинг ўзаро ва портлашнинг марказий нуқтасига нисбатан жойлашишини белгилаш керак бўлади. Портлашнинг марказий нуқтаси сифатида портлаш натижасида вужудга келган конуссимон чуқурлик ёки бузилишлар энг кўп бўлган худуд олинади. Дастребки олинган натижалар асосида воқеа содир бўлган жойнинг лойиҳаси тайёрланади, кўздан кечиришнинг тартиби ва кетма-кетлиги аниқланади. Бу босқичда у ёки бу мутахассисларни жалб этиш ва ҳодиса ҳақида хабар берилганда, олдиндан маълум бўлган бўлса ҳам, қандай техник воситалардан фойдаланиш каби саволлар ҳал этилади.

Портлашдан кейинги воқеа жойини техник жиҳатдан таъминотини қуйидаги бешта йўналишга бўлиш мумкин, уларнинг ҳар бирида алоҳида харакатлар ва воситалар кўлланилади:

— умумий восита ва буюмлар;

- дастлабки чора-тадбирлар;
- воқеа жойини кўздан кечириш;
- воқеа жойини ҳужжатлаштириш;
- воқеа жойида далилларни йиғиш жараёни;
- кўздан кечиришни яқунлаш ва уларни ҳужжатлаштириш [9].

Умумий восита ва буюмларни, асосан, хавфсизлик, воқеа жойини кўздан кечиришда ишлатиладиган доимий воситалар (компас, ёритиш воситалари), воқеа жойини қайд этишда ишлатиладиган воситалар (камера, овоз ёзиш қурилмалари), далилларни йиғишида қўл келадиган воситаларни ўз ичига олади.

Портлаш жойини кўздан кечириш пайтида жиноят-процессуал процедура жиноятларни тергов қилишни тартибга солувчи муайян қоидалар ва уларга риоя қилишни назарда тутади. Одатда портлаш жойини кўздан кечиришда ишлатиладиган асосий қадамлар ва процедуралар:

1. Олдиндан огохлантириш. Портлаш ҳодисаси юз берганда, ички ишлар ёки бошқа тегишли хизматлар воқеа тўғрисида дарҳол хабардор қилиниши керак. Бу уларга хавфсизликни таъминлаш ва воқеа жойида ишни ташкил этиш чораларини қўриш имконини беради.
2. Воқеа жойида хавфсизликни таъминлаш. Бунда ҳодиса жойига келган хизматлар унинг хавфсизлигини таъминлаши керак. Бунга воқеа жойини ўраб олиш, ноқонуний киришни олдини олиш учун қўриқлаш, агар керак бўлса хавфсизлик ва эвакуация қилиш киради.
3. Рўйхатга олиш ва ёзиб олиш. Терговчилар ва хуқуқни муҳофаза қилиш органлари воқеа жойини кўздан кечириш баённомасини тузишлари керак. Ушбу ҳужжатда кўздан кечириш тафсилотлари, топилган излар, заарлар, нарсалар ва тергов давомида фойдали бўлиши мумкин бўлган бошқа маълумотлар қайд этилади.
4. Фото ва видео ёзувлар. Портлаш жойини кўздан кечиришнинг муҳим қисми фото ва видео ёзувлардир. Мутахассислар воқеа жойини, портлаш изларини ва бошқа муҳим тафсилотларни ҳужжатлаштириш учун фотосуратлар ёки видеоларни олишади. Бу далилларни сақлашга ва қўшимча текшириш учун мустақил визуал материал яратишга ёрдам беради.
5. Изларни йиғиш ва қадоқлаш. Терговчилар ва портлаш бўйича мутахассислар портлаш билан боғлиқ бўлиши мумкин бўлган турли хил изларни тўплайди ва қадоқлайди. Бунга парчалар, портловчи моддаларнинг қолдиқлари, жиноят билан боғлиқ нарсалар ва далилий аҳамиятга эга бўлиши мумкин бўлган бошқа материаллар кириши мумкин.

Портловчи моддаларни қурбонларнинг кийимларида ҳам топиш мумкин [10].

6. Гувоҳлар ва шоҳидларни сўров қилиш. Бу орқали ҳолатни ойдинлаштириш мумкин.

Портлаш содир бўлган жойни кўздан кечиришда фотосуратга ва видео тасвирга олиш, жойнинг дастлабки шарт-шароитларини ўзгартирганлиги учун, ушбу усулларни барча бошқа усуллардан аввал бажариш керак бўлади. Бу ҳаракатлар майда, аммо муҳим хусусиятлар, жумладан, обьектларда қурум мавжудлиги, жароҳатларнинг ҳолати, уларнинг ўзаро жойлашуви ва ҳоказолар ҳақида фикр юритиш имконини берувчи суд фотографиясининг усул ва услубларига (портлаш жойининг мўлжални панорама усулда, умумий усулда, парчали усулда ва аниқ бир қисмини суратга олиш усулида) амал қилган ҳолда бажариш керак. Бундай шароитда портловчи қурилмага катта эътибор бериш зарур. Воқеа содир бўлган жойни қайд этиш жуда аниқ, тўлиқ ва кўргазмали бўлиши шу билан бирга кейинчалик обьектлар аломатларининг ўзгариши оқибатида, масалан, тадқиқотлар ўтказилгандан сўнг ёки нотўғри сақлаш ва юборилгандан тушунмовчиликлар юзага келмаслиги учун фикрни чалғитмайдиган даражада бўлиши керак.

Портлаш содир бўлган жойни кўздан кечириш тергов ҳаракатида бевосита терговчи томонидан умумий раҳбарлик қилиш, ушбу тадбирни амалга оширишнинг зарурий шарти ҳисобланади. Кўздан кечириш жараёнида турли хил вазифалар ҳал этилади. Бироқ бу вазифалар, иш бўйича аниқланадиган ҳолатларга боғлиқ ҳолда ўзгариб туради ва ушбу вазифалар қуйидаги кўринишга эга. Воқеа содир бўлган жойининг акс этиши, далилий ашёларни аниқлаш, қайд этиш ва олиш, далилий ашёларни дастлабки тадқиқот қилиш, навбатдаги тергов ҳаракатлари ва оператив-қидирав тадбирларини ишлаб чиқиш, шунингдек жиноят содир этилганлиги ҳақидаги тахминларни илгари суриш кабилардир.

Шунингдек, қуйидагиларни яъни портлаш обьектларини, портлаш аломатларидан дарак берувчи обьектга ёндош бўлган ҳудудни, жабрланувчиларни, шунингдек улардаги кийимлар, ҳужжатлар ва турли буюмларни батафсил текшириш лозим бўлади.

Портлаш факти бўйича воқеа содир бўлган жойни кўздан кечириш, ҳодисанинг характеристини аниқлаш, баъзида эса содир бўлган ҳодисанинг сабаблари ва унга алоқадор шахсларни аниқлашнинг ягона усули ҳисобланади. Портлашнинг ҳарактерли аломатларини кўриб чиқишига киришишдан олдин, портлаш ҳодисасини ва портловчи моддаларнинг физикавий-кимёвий ўзгаришларини, портловчи қурилмаламинг умумий тузилишини умумий тарзда ўрганиб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади. Портлаш ҳодисасини юзага келтирадиган воситаларга жуда кўп мисолларни кўрсатиш мумкин. Масалан, электр тармоқларидағи туташувлар, ёнғинлар ва албатта портловчи қурилмалар.

Хулоса сифатида портлашдан кейинги воқеа жойини кўздан кечиришда муҳим бўлган томонларидан бири воқеа жойидаги портловчи воситаларнинг ўз кучини

йўқотганлигига амин бўлишга доимий эътибор қартиш лозим бўлади. Зеро, текширувлар вактида ушбу қурилмаларнинг ишга тушиши бир вақтнинг ўзида қўшимча қурбонларнинг пайдо бўлишига замин яратса, иккинчи томондан, кўздан кечиришнинг ва “иссиқ излар”ни топиш жараёнларини бирмунча қийинлаштиради. Бундай аянчли вазиятларнинг бўлмаслиги учун портловчи қурилмалар, уларнинг тартиби, хусусиятлари, фалокат кўлами ҳақида етарлича маълумотга эга бўлиш лозим.

#### **Иқтибослар/Сноски/References:**

1. Organisation and operations management at the explosive incident scene, Colleen M.Donovan. 2016 by the American College of Emergency Physicians. p.12
2. Галаган В.И. Использование следователем информации на первоначальном этапе расследования, Автореф. Дис... канд. юрид.наук.— Киев. 1992. – 24 с.
3. Strengthening Fire and explosion investigation in the United States: A strategic vision for moving forward, Fire and Explosion Investigation Subcommittee, April 2021. p.74
4. Валеев А.Х. Осмотр места взрыва при расследовании террористического акта // Вестник Восточно-Сибирского института МВД России. 2017. №3 (82)
5. Crime scene investigation and examination: Major incident scene management, J.Horswell. 2016 approved by Group International, Batu Caves, Malaysia, p.692-693
6. Best Practice Manual for the Investigation of Fires and Explosions. ENFSI-BPM-FEI-01, version 04- February 2021. p.69
7. Бакин Е.А., Адещина И.Ф. Осмотр места происшествия при преступлениях, совершенных путём взрыва, и некоторые аспекты криминалистических исследований изъятых вещественных доказательств: Методическое пособие. – М.: Генеральная прокуратура РФ, 2001.
8. <https://www.fieldforensics.com/products/by-model/explosives-detection/>
9. A guide for explosion and bombing scene investigation, U.S. Department of Justice, Office of Justice Programs, National Institute of Justice, June 2000, NCJ 181869. p.3
10. Таркинский А.И. Методика осмотра места происшествия по фактам применения взрывных устройств: учебное пособие / под ред. Т.Б. Рамазанова. Махачкала: ИПЦ ДГУ, 2002. С.13.